

# VII МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

20-22  
ОКТАБРЯ



## НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ВЫЗОВЫ XXI ВЕКА



Нур-Султан, Казахстан

**ОБЪЕДИНЕНИЕ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ В  
ФОРМЕ АССОЦИАЦИИ  
«ОБЩЕНАЦИОНАЛЬНОЕ ДВИЖЕНИЕ «БОБЕК»  
КОНГРЕСС УЧЕНЫХ КАЗАХСТАНА**

**"SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD:  
CHALLENGES OF THE XXI CENTURY"**

**атты VII Халықаралық ғылыми-тәжірибелік  
конференция  
ЖИНАҒЫ**

**МАТЕРИАЛЫ**

**VII Международной научно-практической  
конференции  
«НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ:  
ВЫЗОВЫ XXI века»**

**СЕКЦИЯ 18. ЭКОЛОГИЯ / НАУКИ О ЗЕМЛЕ**

**НУР-СУЛТАН – 2020**



процесса, уровень пассионарности приобретает все большее значение в современной науке.

Экологические особенности ноосферы одновременно являются межсферным вопросом. Считать ноосферу «антисферой» нет оснований. Урегулирование «антисферы» (антропосферы), управление ритмами биосферы необходимо для оптимизации антропоэкосистемы.

В целом, урегулирование взаимных связей между составляющими системы «природа–население–производство» в географической экологии базируется на системном подходе. Географы имеют богатую практику в области оценки природно–территориальных систем. Никакая другая наука в сфере изучения природно–территориальных систем не имеет столь богатого опыта, как география. Эти вопросы занимают важное место в ряду проблем географической экологии.

Географическая экология занимает особое место в изучении стабильного развития общества. Однако эти научные, методологические вопросы не разработаны в достаточной степени. Следует учесть, что обобщения географических материалов могут сыграть основополагающую роль в решении указанных проблем в XXI веке.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Будыко М.И. Глобальная экология. М.:1977, 328 с.
2. Вернадский В.И. Биосфера. М.:1967, 376 с.
3. Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. М.:1989, 495 с.
4. Реймерс Н.В. Природопользование. М.:1990, 638 с.
5. Садохин А.П. Концепции современного естествознания. Учебник. М.:2006, 245 с.
6. Семенова З.А., Чистобаев А.И. Медицинская география и здоровье: Эволюция знания. С.–Петербург: СПб НЦ РАН, СПбГУ.–Изд–во «Европейский Дом», 2015,–252 с.
7. Geokchaisky Sh.Y. Problems of geography and geographical ecology. Vaku, Bourgas – 2009.

#### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЭКОТУРИСТИК РЕСУРСЛАРИ

**Мирзаева Азиза Зокир қизи**

Жиззах давлат педагогика институти География ва иктисодий билим асослари кафедраси магистранти.

**Илмий раҳбар: г.ф.н. Ҳакимов К.М.**  
Жиззах шаҳри. Ўзбекистон Республикаси.

***Аннотация:** Ушбу мақолада Жиззах вилоятининг экологик туризм ресурслари ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, минтақадаги экологик ресурс, экологик туризм имкониятлари аниқ мисоллар ёрдамида тадқиқ қилинган.*

***Калим сўзлар:** экотуризм, экологик ресурс, рекреация, қўриқхона, зиёратгоҳ жойлар.*

Ўзбекистон туризм ресурсларига бой мамлакатлардан бири ҳисобланади. Туризм турлари орасида экологик туризм мамлакатимизда тез ривожланаётган ва катта салоҳиятга эга туризм тури ҳисобланади. Шунинг учун, республикада туризмнинг бу турига жиддий эътибор қаратилмоқда. Экологик туризм мамлакатимиз сайёҳлик



саноатида истиқболли янги сегмент бўлиб, унда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиш имконияти мавжуд.

Экотуризмни ривожлантириш, ўз навбатида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, биологик хилма-хилликни ва ноёб табиий ҳудудларни сақлаш ва муҳофаза қилиш, маҳаллий аҳоли даромадларини ошириш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, минтақа иқтисодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъминлайди ва инвестиция лойиҳалари учун истиқболли бозор ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам табиат ва унинг ресурсларидан туризмда фойдаланишда ижтимоий-иқтисодий ва табиий-географик омилларни ўрганиш талаб қилинади. Жиззах вилоятида экологик туризмни ривожлантиришда дастлаб туризм турларининг ресурсларини рўйхатга олиш ва тавсифларини яратишда вилоятнинг табиий-географик шароитларини чуқур таҳлил қилиш зарур бўлади.

Жиззах вилояти Ўзбекистоннинг марказий қисмида, магистрал йўллар чорраҳасида жойлашган. Вилоят ҳудудининг қулай географик жойлашуви, қулай табиий шароит, йирик сув ҳавзаларнинг мавжудлиги, иқлимнинг ўзига хослиги, қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг ноёб тармоғи ва ноёб ландшафтлар минтақада экологик туризмни ривожлантириш ва оммалаштириш учун кенг имкониятларни очиб беради.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда ҳали туризмнинг бу соҳасини ривожлантириш ва етакчи тармоққа айлантириш учун барча имкониятлар тўла ишга солинмаган. Вилоятдаги экологик ресурсларнинг яхлитлигини сақлаб қолиш ва бу соҳадаги имкониятлардан тўла фойдаланишда унга асосий жиҳатга эътибор бериш керак бўлади:

- 1) сайёҳларни экологик ресурслардан тўла фойдаланишини таъминлаш;
- 2) табиат ва атроф- муҳитни муҳофаза қилиш;
- 3) тубжой аҳолининг анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолиш.

Жиззах вилоятининг мавжуд бетакрор табиати, унинг Туркистон тоғ тизмаси бағрида жойлашганлиги ва тоғларнинг гўзал ва бетакрор табиати, турли хил рельеф шакллари ҳар қандай сайёҳни диққатини ўзига тортади. Туркистон тоғ тизмасининг асосий қисми Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида жойлашган бўлиб, ғарбдан шарққа томон 340 километр масофага чўзилган. Нурота тоғлари ҳам Туркистон тизма тоғларининг ғарбдаги давоми ҳисобланади.

Минтақадаги энг сўлим гўшалар, бетакрор табиат манзаралари, ноёб табиий ёдгорликлар ҳам айнан шу тоғлар ёнбағирларида жойлашган. Туркистон тоғ тизмасининг вилоят ҳудудидаги Қизилмазорсой, Кўлсой, Супа, Чортанги, Еттикечув, Қашқасой, Ўрикисой каби экотуристтик ресурсларга бой жойларнинг атрофи хилма-хил табиий арчазор ўрмонлари билан қопланган.

Эътиборли томони шуки, мавжуд арчазорларни сақлаб қолиш, формацияларни кўпайтириш ва ноёб ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистонда биринчи бўлиб Зомин (илгариги номи Ғўралаш) давлат кўриқхонаси ташкил қилинган. Кўриқланадиган ҳудуднинг умумий майдони 26,8 минг гектарни ташкил қилади, шундан 22,2 минг гектари арчазорлар билан қопланган.

Кўриқхона ҳудудидаги гўзал ва бетакрор табиатнинг муҳофазани кучайтириш ва экологик туризмни ривожлантириш мақсадида, 1976 йили кўриқхона ҳудудининг бир қисмида Зомин миллий табиат боғи ташкил қилинди. Миллий табиат боғи маъмурий жиҳатдан Зомин туманига қарашли бўлган ҳудудда, Помир-Олой тоғ тизмасига қирувчи Туркистон тоғларининг ғарбий қисмида жойлашган. Умумий майдони 24,1 минг гектардан иборат.

Кўриқланадиган ҳудудда ғоят ноёб ва хилма-хил ҳайвонот дунёси яшайди. Бу жойда қушларнинг 134 та тури, сут эмизувчиларнинг 37 та тури, судралиб юрувчиларнинг 39 та тури рўйхатга олинган. Кўриқхона ҳудудида яшайдиган Туркистон силовсини, ок



тирнокли айик, сибир эчкиси Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ига киритилган.

Қўриқхонанинг сўлим экологик гўшалари жуда кўп. Шулардан энг томошабоп жойларидан бири Қизилолмасой худудида жойлашган баланд ва ғаройиб кўринишдаги қизилқоя тошларидир. Ушбу тошлар кум ва конгломератлардан ташкил топган, улар табиий нураш жараёни таъсирида турли шакл ва кўринишлар пайдо қилган. Маҳаллий халқ бу ғаройиб кўринишдаги тошларнинг ташқи қиёфасини инсон танасига ўхшатиб уларни «Қирққиз» деб аташади.

Сангзор дарёсининг ирмоқларидан бири - Кўлсойнинг ўрта қисмида оҳактошлар орасидаги ғаройиб бир дарани маҳаллий аҳоли «Чортанги» деб атайди. Танги - сўзи форс-тожик тилида тор дара маъносини беради. Тоғ орасидаги ўтиши қийин бўлган камбар сойлик танги дейилади, тангидан кўпинча сув оқиб туради. Дарадан сув хайқириб оқиб, сайроқи қушлар каби ҳар хил овозлар чиқаради. Шунинг учун ҳам бу жой «Сайровчи дара» номини ҳам олган. Дара оҳактош ётқизикларидан иборат бўлиб, унинг узунлиги икки километр масофага чўзилган. Бундай тор ва чуқур даралар Қашқасув ва Ғўралашсой худудларида ҳам мавжуд.

Ғўралашсойнинг ўнг ён бағридаги катта арчали қисмида минг йиллар давомида нураш натижасида палахса тошлар турли шаклларга афсонавий аждархо, йўлбарс ва бошқа кўринишларга эга бўлганлигидан туристларни ҳайратга солади. Ушбу табиат яратган мўжизаларни туристлар томоша қилиш билан бирга шифобахш арчазорлар хавосидан баҳраманд бўладилар.

Вилоятнинг ғарбий қисмида, Нурота тоғ тизмасининг шимолий қияликларида 1975 йили Нурота тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси ташкил қилинган. Қўриқхонанинг асосий вазифалари ноёб ҳайвон - ёввойи кўй (Северцов кўйи) - архар ва ёнғоқзор ўрмонларини сақлаб қолиш ҳисобланади. Бугунги кунда Мажарм қишлоғи худудида Марказий Осиё минтақасида жуда кам учрайдиган дарахт - Шарқий биота ҳам сақланиб қолган. Ёши тахминан икки минг йилдан зиёд бўлган мазкур биотани айланаси салкам 10 метрни ташкил этади. Маҳаллий халқ орасида Александр Македонский ғарбдан келиб, Уструшопага юриш бошлаганда мазкур дарахт тагида аскарлари билан дам олган деган ривоят сақланиб қолган.

Вилоятнинг Бахмал туманидаги арчазорлар билан қопланган Вадиган, Боғимозор, Айиксой, Бойқўнғирсой, Жум-Жумсой каби даралари ҳам вилоятнинг энг сўлим, бетакрор табиат ландшафтлари рўйхатида туради. Туркистон тизма тоғларидан бошланадиган ва вилоятдаги энг катта дарёлар ҳисобланган Сангзор дарёси ва Зоминсой ҳавзасида эллиқдан зиёд шифобахш сув ва сўлим табиатга эга бўлган булоқлар бор.

Минтақанинг шимолий-ғарбий ва шарқий қисмини текисликлар ва паст текисликлар эгаллаган. Мана шу худудда минтақанинг йирик сув ҳавзаси - Айдар-Арнасой кўллари тизими жойлашган. Бу кўллари ноёб туристик ресурс бўлиши билан бирга, қишлоқчи қушларнинг макони ва ўзига хос ҳайвонот оламига эга худуд ҳисобланади. Вилоятдаги мавжуд ноёб табиат ва маданий ёдгорликлар ички сайёҳлар ва халқаро туристларда катта қизиқиш уйғотиши аниқ. Бу ҳолат эса вилоятда экологик туризмни ривожлантиришнинг катта имкониятлари борлигини кўрсатади.

Кўринадики, Жиззах вилояти худуди экологик ресурсларига жуда бой. Аммо ушбу ресурслардан ҳозиргача керакли даражада фойдаланилмапти. Шунинг учун, мавжуд экологик ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш, ўрганиш, тарғиб қилиш ва халқаро талабларга жавоб берадиган туристик масканлар барпо қилинса ички ва хорижий туристик оқимни бир неча бор кўпайтириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят экологик ресурсларининг кўплиги ва хилма-хиллиги жиҳатидан республикада тўртинчи, ижтимоий-маданий рекреация ва экскурсия



ресурслари бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Бундай имкониятлар минтақада экологик туризмни ички ва халқаро миқёсда жадал ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эралиев Б, Останакулов И, Ақчаев Ф. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. -Т.: 2017.
2. Пардаев А, Норчаев А, Раббимов Э. Экологик туризм. –Т.: 2011.
3. Ҳақимов Қ.М. Адилова О.А. Жиззах вилояти географияси. -Т.: 2015.
4. Мирзаев М.А, Алиева И.Т. Туризм асослари. -Т.; 2007.
5. Солиев А.С, Усмонов М.Р. Туризм географияси. -Самарқанд. 2012.
6. Интернет сайтлари: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

УДК 624.191.82

### ГЕОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА УСТОЙЧИВОСТЬ ПОДЗЕМНЫХ СООРУЖЕНИЙ

**Зардаков Шерафкан Шералиевич**

Лаборант строительного факультета ТТУ им. акад. М.С. Осими,  
Научный руководитель – к.т.н. **Тешаев Умарджон Риёзидинович**  
«Строительный факультет» ТТУ им. акад. М.С. Осими  
Душанбе, Таджикистан

*Аннотация: Вопросы надежности при строительстве тоннелей подземных сооружений и в процессе их эксплуатации относятся к основным, так как имеют большое технологическое и экономическое значение. При проектировании и строительстве транспортных тоннелей одним из основных факторов являются геологические условия района расположения тоннеля. Недооценка воздействия геологических факторов, влияющих на конструкции обделки приводит, как правило, к негативным последствиям.*

Обрушение породы является самым распространенным из видов аварий как в строящихся, так и в эксплуатируемых горных выработках. Обрушение - непредвиденное сдвигание горных пород с отделением от массива кусков, глыб, блоков и т. п. Обрушение наступает из-за ослабления структурных сил сцепления между отдельными частями массива, который из состояния покоя переходит в состояние движения при влиянии различных факторов.

Имеются случаи, когда горный массив, прорезаемый тоннелем, подвергается оползням, сдвигам, просадкам, вызывая тем самым деформации сооружения или даже его разрушение. Нередко массив вполне устойчивый до постройки тоннеля, начинает смещаться в процессе эксплуатации вследствие нарушения режима подземных вод, вызванного обильным водопотоком к самой выработке и дренажным сооружениям. Обычно приходится иметь дело с разрушениями отдельных участков, расположенных у порталов или внутри тоннеля. Степень разрушения конструкции в свою очередь может быть полной или частичной.

Потери устойчивости выработки Булычев Н.С. скомпоновал в следующие группы: вывалообразование, разрушение в зонах концентрации напряжений и чрезмерные смещения поверхности выработок вследствие пластических деформаций. В общем случае



МАЗМҰНЫ  
СОДЕРЖАНИЕ  
CONTENT



Mirzakhmedov Ismoildjon Karimdjон ugli (Namangan, Uzbekistan) .....	3
Назарханова Аяла Сымбатқызы (Усть – Каменогорск, Казахстан) .....	6
Шогелова Назым Тулегеновна (Алматы, Казахстан) .....	11
Иванов Алексей Алексеевич, Пономарева Марина Викторовна (Караганда, Казахстан) .....	13
Токтибаева Гульнур Жаныбековна, Ефимова Аксана Дмитриевна (Караганда, Казахстан) .....	17
Токтибаева Гульнур Жаныбековна, Ефимова Аксана Дмитриевна (Караганда, Казахстан) .....	21
Муканова Лаура Нурлашевна (Усть-Каменогорск, Казахстан) .....	23
Литовченко Ирина Николаевна, Амиров Нурканат Бакытбекович, Лютикова Вероника Сергеевна (Алматы, Казахстан) .....	27
Ибрагимова Диана Андреевна (Караганда, Казахстан) .....	31
<sup>1</sup> Курбанов Б.И., <sup>1</sup> Хушвактов Н.Х., <sup>2</sup> Хужжиев С. О., <sup>2</sup> Бахрамов И. З. (Тошкент) .....	34
Искендерова Севда Малик кызы .....	38
Мирзаева Азиза Зокир қизи (Жиззах шаҳри. Ўзбекистон) .....	41
Зардаков Шерафкан Шералиевич (Душанбе, Таджикистан) .....	44
Н.Т.Азиева, А.Т.Кусаинова, З.Т.Хасенова, (Нұр-Сұлтан, Өскемен, Казахстан).....	48
Гаджиев Теймур Акиф, Салимов Илгам Насир (Баку, Азербайджан) .....	52
Иманкулова Жанна Васильевна (Павлодар, Казахстан) .....	55
А.Н.Нигматов., С.Ж. Абдиреймов., А.У. Нуратдинов (Қарақалпақ, Өзбекістан).....	60
Бободжонова Зиннатчон Хақимджонова (Хучанд, Тоҷикистон) .....	64
Мирмахмудов Эркин Рахимжанович, Аралов Музаффар Мухаммадиевич .....	66